

ДИЛДОРА ФАНИЕВА

*Ушбу илк шеърий тўпламимни
отам Валижон Ганижон
ўглига багишлайман*

ДИЛДОР БЎЛАЙИН ШЕЪРЛАР




Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

84(54)6-5

Түйфу ва фикр уйғулугининг ўзаро мутаносибliği, сурат ва сийратнинг мисраларга кўчиши – дилларга фараҳ бахш этади. Ўзининг илк шеърий машқларида ўзлигини мужассам қилишга интилаётган умидли шоира синглимиз инсон ҳистайғуларини қадрлайди, уларни ўйлари, сўзлари орқали очиб беришга ҳаракат қиласди.

34359
10 09,



ISBN 978-9943-08-267-0

© Дилдора Фаниева, «Дилдор бўлайн». «Янги аср авлоди»,
2008 йил

НАВРЎЗ МУБОРАК

Жаннат аксин кўрдим бугун жамолингда,
Эзгу ният йўлдош сенинг камолингда,
Баҳор бўйи уфурар ҳар ниҳолингда,
Наврўз муборак бўлсин, Наврўз муборак!

Чучмомалар бир-бири-ла бўйлашади,
Қалдирғочлар ҳаёт куйин куйлашади,
Севишганлар бинафша-ла сирлашади,
Наврўз муборак бўлсин, Наврўз муборак!

Наврўзгулнинг ёноғига қўнган шабнам,
Қуёш билан юз кўришар ҳар тонг бир дам,
Юртим тонгинг мунаввардир, халқим хуррам,
Наврўз муборак бўлсин, Наврўз муборак!

ХАЁТ

Худо урган бандага қўл узатдим, қўлим синди,
Раҳм қилдим, эвазига қаҳр кўрдим, кўзим тинди,
Сабр бердинг, имоним бут, шукр Оллоҳ, олам тинди,
Сиғинганим, одил ҳакам, Оллоҳимсан – паноҳимсан!

Ҳаёт ўзи яхшиларга алров-далров бир туш янглир,
Қалбим уйроқ – дардкашман, ҳийлалардан кўзим боғлиқ,
Умр ўтар, дардим ютдим, юрак куйди – қалбим доғлиқ,
Сиғинганим, одил ҳакам, Оллоҳимсан – паноҳимсан!

Юрак куяр, эзгу нафас – қўшиқ бўлар менинг дардим,
Аро йўлда қолдириб, куйдирдингми мени «мардим»,
Руҳан ўлмам! Худо шоҳид! Раво кўрмам сенга гардим,
Сиғинганим, одил ҳакам, Оллоҳимсан – паноҳимсан!



ТҮЙГУЛАР

Болаликнинг кўчасида қолиб кетган илк тўйғу,
Умр карвонига минган армон отлиғ чўнг қайғу,
Таянч бўлар, юпанч бўлар ул хотираалар мангу,
Тўйғуларим билан яшагим келар.

Хору расво қиласидан кўнгил дерлар, рост экан,
Ёлрон дунё илинжида ҳақни топташ касб экан,
Минг уринма, қон бузулгач, паст ҳамиша паст экан,
Тўйғуларим билан яшагим келар.

Хиёнату алдовлардан зардадирман, оғрир юрак,
Тўйғуларим юпанч бутун, онам эса мисли тиргак,
Имон бутун бўлса бир кун, бари ўтиб кетса керак,
Тўйғуларим билан яшагим келар.



КЕТДИМ

Кетдим! Изларимда нидолар қолди,
Сен ҳали тушунмас садолар қолди.
Бир лаңза жонингта фидолар қолди,
Хуш қолгин, ўшалар билан энди сен.

Боши берк кўчада сар-сари кездим,
Бу дунё менга ётлигин сездим.
Сен суйган, суйдирган кўзлардан бездим,
Хуш қолгин, ўшалар билан энди сен.

Дилдаги оҳимни само эшитди,
Тўрт кунлик дунёнинг кўчки бир ғишти.
Куйиб кул бўлсин бу дунё беҳишти
Худо билан қолгин, Худо билан сен!



БАРИБИР МЕН СИЗНИ СЕВАМАН

Барыбир мен сизни севаман.

C. Тұйчиева

Юлдузлар осмондан күнса ҳам,
Фанимлар күзларим ўйса ҳам,
Танамдан руҳларим учса ҳам,
Барыбир мен сизни севаман.

Бепарво қарашлар қылсанғиз,
Севгимни ҳар күйга солсанғиз,
Севищдан бир қуни толсанғиз,
Барыбир мен сизни севаман.

Аламим, аразим ўзингиз,
Юракка ўт ёқсан сўзингиз,
Бир боқиб жон олар кўзингиз,
Барыбир мен сизни севаман.

Баҳордан ёдгорим, япроғим,
Сўзи бол, қадди нор бўйдоғим,
Зим-зиё тунимда чироғим,
Барыбир мен сизни севаман.

Тақдирнинг бугуни-эртаси,
Армоним кўнгилнинг кўчаси,
Бўлойин қалбингиз бекаси,
Барыбир мен сизни севаман.

Ёш ўтар, кўзлардан нур кетар,
Ҳаётим поёнига ҳам етар,
Ўшал он тилимда сўз айтар,
Бирибир мен сизни севаман.

Мен сизни жудаям севаман...

ЧИМИЛДИҚНИНГ КЕЛИНЧАГИ

Орзуларим армон бўлмай ушалган кунда,
Зуҳро юлдуз чўлпонга талпинган тунда,
Жон онангиз тўй ишқида бел борлаганда,
Чимилдиқнинг келинчаги ўзим бўламан.

Югурганми, буюрганми, пешона тақдир,
Сиз мен учун яралгансиз ишонинг ахир,
Бирга бўлгаймиз абадул абад, охир,
Чимилдиқнинг келинчаги ўзим бўламан.

Тонгда қуёш нурларидан сўраганим бор,
Тунда моҳнинг ёруғида йирлаганим бор,
Кумушбиби оҳида тиланганим бор,
Чимилдиқнинг келинчаги ўзим бўламан.

Янгаларим ёр-ёр айтиб қувнаган кунда,
Ёр-ёлардан кўз ёшлиларим тўкилган тунда,
Ҳарир рўмол, эрка бошим эгилган кунда,
Чимилдиқнинг келинчаги ўзим бўламан.

Мунисгинам – онажоним зор йирлаганда,
Пешонамдан ўлиб отам баҳт тилаганда,
Палахмоннинг тоши бўлиб отилганимда,
Чимилдиқнинг келинчаги ўзим бўламан.

АЁЛ

Нозик ниҳол, жони қирқта, ўзи бир зиё,
Бир қўлида бешиги, бирида дунё.
Не-не машаққатлар бир-ла кўргайдир камол,
Бардошинг тошданмиди, мўътабар аёл?!

Далада у тиним билмай ишлайди дуркун,
Роҳатин кўради, вақт келар бир кун.
Уззукун даласида қилгайдир хаёл,
Даланг сенга малҳаммиди, паҳтакор аёл?!

Жангда ҳалок бўлган бекларин куттан,
Қора хат келса-да сабрни туттан.
Бошинг омон бўлсин, кўрмагин завол,
Тоқати тоқ бўлмаган, төғбарири аёл.

Боласига тикан кирса асло чидамас,
Тунларини тонгта улаб, сира ухламас.
Не фойда бергайдир сенга бу савол,
Жавобингта лол қолдим, самандар аёл.

Ўзингта ярашган рухсоринг сенинг.
Қалбингта кўра рўмолинг сенинг.
Инъом эттан сенга тангри бир жамол,
Иффатини асрраган мўътабар аёл.

* * *

Жон аёллар, жонон аёллар,
Сизга жодир қалбдаги сүзлар.
Латофатта, чиройга сиз бой,
Алломишга банди хаёллар.

Болангизни опичлаб қишда,
Аллалагансиз бу аёллар.
Эрмак сизга нон ёпиш кунда,
Тоҳирга банд бўлган хаёллар.

Сиз шоирсиз, сиз ўқитувчи,
Васфингизда гўзал қўшиқлар,
Сиз сулувсиз, зоти Лайлисиз,
Мажнунга банд бўлган хаёллар.

ОТАМ

Ор-номусим, бошда тож отам,
Ҳар бир сўзи бир китоб отам.
Ўстирдингиз моҳ-моҳлаб мени,
Насиҳати кўп бисот отам.

Ягона қиз ёлғизингизман,
Кўқда порлар юлдузингизман.
Орзуларин чеки кўринмас —
Тинчин билмас шер қизингизман.

Интилганга толе ёр, дейсиз,
Қизим бўлсин гўзал ёр, дейсиз.
Ёлғизимни асра Худойим,
Шоирамнинг баҳти бор, дейсиз!

Камарбастам, омадим отам,
Ор-номусим, тожу таҳт отам.
Умидларин мендан-да куттан,
Сизга қизмас, ўғилман отам.

* * *

...га

Күз учида майин кулиб қўйдингиз,
Кулиб телба ҳолим билиб қўйдингиз.
Не ўтлардан омон ўтган дилимни
Тилимлаб қўйдингиз, тилиб қўйдингиз.

Сизни ёмон севдим, ўргандим ёмон,
Сизни соғинганда ўртандим ёмон.
Худди ана шундан қўрқандим ёмон,
Бошимга не савдо солиб қўйдингиз?!

Бунча куйдирдингиз бунча куйдирги,
Ўзим суйгандаин келар суйдиргим,
Кўнглим маним эди – бебаҳо мулким,
Шу мулкни сўрамай олиб қўйдингиз.

Жонимнинг эгаси – кўнглим эгаси,
Синдириб ўйсангиз битмас чегаси.
Дилингизни девдим бўлсам бекаси,
Бунча ўзни осмон қилиб қўйдингиз.

Араз қилсам ёмон бўлишим мумкин,
Бир кун сизга армон бўлишим мумкин.
Бир кун надоматда қолмаслик учун,
Кўнглим кўнглингизга солиб қўйдингиз.

Ёш бошимга не савдо солиб қўйдингиз...

СИЗНИ ЎТДА ЁНДИРАМАН

Кўзингизга қаролмайман тўйиб-тўйиб,
Чап берасиз чин сўэимни ҳазил йўйиб.
Гоҳ қолсам ҳам аччиқ сўздан тилни тийиб,
Ҳаққим бордир аразлашнинг келса гали.

Содда бўлсам, нима қипти гуноҳимми?
Айбларимнинг қани айтинг санорини.
Тўхтадингиз мен айтаман бу ёгини,
Демак, дилни тушунишга ёшсиз ҳали.

Жавобсиз ишқ согланида дилга алам,
Билласангиз керак чори бу қандай ғам.
Хоҳ истанг-у, хоҳ истаманг шунақаман,
Ҳар юракнинг титроғидан уқинг маъни.

Нега айтинг сўзларингиз беаёвдир,
Билолмадим сўзларингиз чин, ёлғондир.
Назаримда булар сизни ютди охир,
Сизни ўтда ёндираман, шошманг ҳали?

ЁЛГОН ДУНЁ

Ёлғон дунё ёлғонларинг мүл экан,
Имонсизнинг юрар йўли сўл экан.
Яхши боши узра ташвиш дўл экан,
Ёлғон дунё ёлғонларинг куйсин-ей.

Гардиш узра айланаркан тескари,
Йўқса Бобур кетармиди Ҳинд сари?!
Руҳим гина-адоватдан бўл нари,
Ёлғон дунё ёлғонларинг куйсин-ей.

Меҳр дея талпинганим хиёнатдир, қаҳрдир.
Қалб кўзига мил тортдилар, энди кўзлар сўқирдир.
Бошда борин кўз кўради – тақдирдир,
Ёлғон дунё ёлғонларинг куйсин-ей.

* * *

Хув анов төгларнинг қояларида
Униққан, чарчаган, маъюс чечак бор.
Офтобни кўрмаган, қуёш урмаган,
Қалбида покиза, эзгу тилак бор.

Остидан ҳавас-ла боқишар гуллар,
Мағрур қоя узра ўслан чечакка.
Қояда оламни томоша қилиб,
Офтобга етмаган маъюс чечакка.

Тун чўқди, кун чиқди ҳамон чечак жим,
Унга йўқдир сирдош, малҳам, биродар.
Не қилсин орзуси қоя эди-да,
Энди-чи, қояда дилхун, дарбадар.

Севолмас, севилмас чунки у мағрур,
Писанда қилмади суйган ниҳолни.
Кўз кўрмай ёш ўтиб қолмасдан бурун,
Тангрим! Бахт бергин баҳтсиз Чечакка!

МУАЛЛИМ

Биринчи ўқитувчим (М. Имомова)га

Биринчи қўнгироқ, мактабни кўрдим,
Ўқитувчи, синфдош, Ватани билдим.
Устозим парвона муррак бошимда,
Илм даргоҳин кўрдим етти ёшимда.

Биринчи дарсимиз экан алифбе,
Суратли китоблар «А» дан бошланди.
Ҳижжалаб ўқитар бизга мураббий,
Ҳаёт дарс мана шу кундан бошланди.

Устозим синфда кўп куйиб-ёнар,
Билмас ҳеч умрининг ўтиб кеттанин,
Гоҳ куяр, гоҳ суяр, баъзан ёлворар.
Билмас қуёш чиқиб, ойнинг ботганин.

Қўлга қалам олиб ёздиқ биз Ватан,
Ота-она дунёдир, меҳр бу Ватан.
Устозим ўргатди ўқиш-ёзишни,
Дунёда фақат чин инсон бўлишни.

Устоз, таъзимдамиз сизга доимо,
Берган ўтитингиз бир олам маъно.
Сиз-ла чароғондир билим уйлари,
Сиз доно қилгансиз юрг фарзандларин.

* * *

Бирга ўсган суюнч төрим, чинорим,
Туришганим Жалолиддин шунқорим.
Мард йигитсан бардам сабр-тоқат қил,
Жон укажон, шу Ватанга хизмат қил.

Шер билаклар шу юрт учун жон берган,
Ўзига бек ўзбек деган ном берган.
Ағёрлари бардошига тан берган,
Жон укажон, шу Ватанга хизмат қил.

Кўкси ўққа нишон бўлган Ватан бу,
Сен ким демай қучоқ очган Ватан бу.
Нонқўрлари кўзига чўп тиқса ҳам,
Кечиргувчи, айбин кечган Ватан бу.

Аскар укам сендан ўзим айланай,
Шер келбатли бўйларингта бўйланай.
Хизматингни адо этиб қелсанг гар,
Тўйларингда ёр-ёр айтиб сўйланай.

Қарашлари чўғдек чўлпон нигоҳим,
Ботир билак, азамат Шер жаҳоним.
Ватан номус! Гар ярасанг корига,
Эл ишончи, қасамёдинг паноҳим.

* * *

Миллат юрагида ўлмас алам бор,
Қанча шоҳ, не гадо сўнмас санам бор.
Кимгаки миллатин тупрори суюқ,
Хотира муқаддас, хотира буюқ.

Беш юз йил наридан инграйди бир шер,
Ханжарий қалами қалқон Алишер.
Қўлда қалам, қоғозда рубоий, туюқ,
Хотира муқаддас, хотира буюқ.

Қатағон қурбони Абдулла, Носир,
Фашизм рақиби Тўйчи-ю, Собир.
У кунлар ўтдию, лек диллар куюқ,
Хотира муқаддас, хотира буюқ.

Ортда қолган кўхна аламлар ҳаққи,
Юрт учун жон берган одамлар ҳаққи.
Елкалардан ошди залворли бир юқ,
Хотира муқаддас, хотира буюқ.

Тангри насиб эттан ҳуррият омон,
Бу кунлар абадий келди ҳур замон.
Истиқбол муборак, истиқбол буюқ,
Хотира муқаддас, хотира буюқ.

ТАРИХИМ

Юртим бу кун мустақил, кўркам савлати,
Оламга донг таратди хотамтой элим.
Ўзбек зоти – Барлос қавми Расул уммати,
Бешигида султонларни ўстирди.

Яссавийлар содик имон-эътиқодга,
Бухорийлар ҳадис сўзин айтди элга.
Навоийлар сўз мулкининг султонлари,
Булар бари ўзбек элим фарзандлари.

Темур бобом миллат учун куйиб-ёнди,
Улурбегинг фарзандига ўлжа бўлди.
Бобурларинг Ҳиндистонда йиглаб қолди,
Барчасига она замин гувоҳ бўлди.

Широқ чўпон Дороларга ғолиб келди,
Жалолиддин Чингизларни лол қолдирди.
Темур Малик миллатимнинг шаъни-шукуҳи,
Ўзбек учун фарзандлари содик эди.

Кумушларинг йиглатади дунёни,
Зеби, Раъно ёриттай зим-зиёни.
Аёл номин шарафлаган бу зотлар,
Юртимида кўпайгуси Кумушлар.

Она элим, мустақилсан сен энди,
Ажоддларинг ёд олгайсан сен энди.
Неча аср, неча йиллар қийналиб,
Эркин, лочин, мард ўзбексан сен энди.

* * *

Мұхаббат борида очилди бир гул,
Тенги йўқ гулзорда гўзал ва гулгун.
Ошиқ капалаклар парвона бўлди,
Етолмай гул ишқида сарсона бўлди.

Гулни узиб золим борбон хўрлади,
Ошиқ капалаклар гулга чанг солди.
Бу ситам хўрликка, гуллар чидамас,
Гул шўрлик тўкилди, яна очилди.

ЖИЗЗАХИМ

Ўзбекистон бағрида Жиззах юрти бор экан,
Халқлари доно-оқил, бағри кенг гулзор экан.
Юртимнинг ўтмишига назар солай, дилбандман,
Неча даҳо, қанча доно фарзанд менинг элимда.

Минг тўққиз юз ўн олти. Қонга тўлди шу Жиззах,
Халқимнинг кўз ўнгида тарож бўлди шу Жиззах.
Лек халқим фарзандлари Ҳайдарбек, Зиё Қори,
Ёвга тикка дош берди, Ватан учун жон берди.

Жиззах сенинг юрагинг, Темурнинг дарвозаси,
Оби ҳаёт Сангзор суви, Илон ўтди дараси.
Темур сенинг Форишингта Парижлардан олди ном,
Гўзаллиқда тенгсиз юрт, кўркам диёр, ҳур макон.

Менинг элим ўстирди, Ҳамид Олим, Шарофни,
Ҳамроқул, Туроб, Шарофат, Орифжону Шавкатни.
Кўз-кўз этсам арзийди, пахтакорлар юртини,
Боласини эрта кеч дуо қилган элимни.

Меҳмон бўлса тайёрдир қўтонида қўйлари,
Ҳаммани лол қолдирган шўх хушхандон тўйлари.
Карнай-сурнай садосида дўсту ёрон хизматда,
Қўшиқ айтса хонандаси овозаси Олмонда.

Фарзандларинг таъзимда, дили пок содда элим,
Ўғил-қизга андоза ота-онам жон элим.
Бу кун юртим жамолинг яшнамоқда тобора,
Сўзлашга мен ожизман, қалбда урап түрёна.

Юзда кулгу, қўлда қалам, андозамдир Сайёра,
Ушбу номани қалбдан ёзди қизинг Дилдора.

СЕНИ ЭСЛАДИМ

Қиши келганды – биринчи қор ёққанида,
Баҳор келиб, тоғда бодом гуллаганда,
Ёзлар келиб, сойлардан сув оққанида,
Күздә бөрлар олтин либос кийганида,
Сени эсладим...

Осмондаги түлгап ойдан сүрайман сени,
Күкда чақнар чүлпондан сүрайман сени,
Тонгда қүёш нуридан сүрайман сени,
Сүраб толдым, осмон эса кулган чөргө,
Сени эсладим...

Муз ўлқадан қүёшим деб қидирдим сени,
Зүр ўлқадан бардошим деб қидирдим сени,
Хур ўлқадан ҳалолим деб қидирдим сени,
Тополмадим, излаб йиғлаб,
Сени эсладим...

Ёмғир ёғиб довулларга ҳайқирганида,
Баҳор келиб Наврўзларин бошлаганида,
Чамандаги гул ғунчалар очилганида,
Аңқорда сой Дилдор кел, деб чақирганида,
Сени эсладим...

ОРЗУ

Бунчалар олиссан бебаҳо орзу,
Мен ерда сен эса буюк фалақда.
Қалбимда яшириңган энг гүзәл түйру,
Нега бунча қаҳ-қаҳ-ла қиласан кулгу.

Қачон сенга етаман орзу-армоним,
Бу күн сен мен учун эрмак хаёлим.
Мен бирла бўлсанг гар танда дармоним,
Умрбод мен карвон, сенсан сарбоним!

Бунчалар олиссан бебаҳо орзу...



ЖИЗЗАХ КЕЛИНЛАРИ

Омон бўлсин бошларингиз,
Ўсма кўрсин қошларингиз,
Ҳар ҳовлининг фариштаси,
Жиззахимнинг келинлари,

Ойдан ойдин жамолингиз,
Сойдан сулув саломингиз,
Банди айлар камолингиз,
Жиззахимнинг келинлари.

Қайнотасин хафа қилмас,
Қайнонага сўз қайтармас,
Тилло зарга кўзи учмас,
Жиззахимнинг келинлари.

Осмон билар ёрларини,
Пир деб атар ёрларини,
Айтмайди ҳеч сирларини,
Жиззахимнинг келинлари.

Жоним сизга садқа бўлсин,
Остонангиз нурга тўлсин,
Қозонингиз мойга тўлсин,
Жиззахимнинг келинлари.

Давру даврон бирга суринг,
Кексаликка бирга еting,
Шу ёр билан қўша қаринг,
Жиззахимнинг келинлари.

ТАҚДИР

Севги мендан юз ўтириб қочиб кетди,
Мұҳаббатим ўзга ёрга олиб кетди.
Севги ёлғон, мен севаман чинми ёхуд,
У мен биланмас зорлар билан қолиб кетди.

Сүз айтдингиз сени чиндан севдим деб,
Онт ичдингиз сени санам қилай деб.
Хатто жүшиб куйладингиз, ёндим деб,
Ёдларимда сўзларингиз қолиб кетди.

Сочларимни силағанда тун оқшомда,
Ором олиб термулади ой осмонда.
Бир умрга биргаман деб мен самода,
Мажнунтоллар гувоҳ бўлиб қолиб кетди.

Тунларимни тонгта улаб ўксинаман,
Ёлғон ўтган йилларимга ўкинаман.
Тушларимни сувга айтиб ўтираман,
Сойларда сув чапак чалиб қолиб кетди.

Мен сиғинган мұҳаббатим хароб бўлди,
Эртаси йўқ кўнгилгинам сароб бўлди.
Кўзда ёшим томчи эмас сароб бўлди,
Термуламан изларингиз қолиб кетди.

Ёдларимда сўзларингиз қолиб кетди...

ТАҚДИРГИНАМ

Мен томонга бир жилмайиб қараб қўйгин,
Ўтинаман тугал баҳтни тилаб қўйгин.
Бошим олиб қўлларингта тутиб турай,
Тақдиргинам, пешонамни силаб қўйгин.

Кимлар шошар баланд дорга осилгани,
Билиб бўлмас эртанги кун не бўларин.
Бўлар экан пешонага ёзилгани,
Тақдиргинам, пешонамни силаб қўйгин.

Ғанимларнинг баланд боши эгик бўлсин,
Бўй-бўйга, дили-дилга тенглик бўлсин.
Севган ёрим қисматимга битик бўлсин,
Тақдиргинам, пешонамни силаб қўйгин.

Кўзни олар тиллоларга ҳушим йўқдир.
Дил яиратар яллоларга ҳушим йўқдир.
Севгилимдан ўзгасида ишим йўқдир,
Тақдиргинам, пешонамни силаб қўйгин.

Кечалари ойга сингил тутинаман,
Дард чексам-да тақдир дея ютинаман.
Бахтим бергин, шуни сендан ўтинаман,
Тақдиргинам, пешонамни силаб қўйгин.

МУҲАББАТИМ

Тақдир чизиқлари ўйнайди бизни,
Қисмат бир зумга ҳам тинч қўйди бизни,
Фамга мубталоман учратиб сизни,
Дардни берган Оллоҳ давосин берар.

Билмам умрим ўтди қайси ҳолатда,
Қолгани ҳам менга битта давлатда,
Сизни кўрмоқ асли тушдаги баҳтда,
Дардни берган Оллоҳ давосин берар.

Мен қочдим, тақдир-чи, қувди изимдан,
Йўқ деганман муқим туриб сўзимда,
Термулиб ҳасратим билинг кўзимдан,
Дардни берган Оллоҳ давосин берар.

Қўрқмайман мен, чунки сўраганим бор,
Муҳаббатим – баҳтим бир кун бўлар ёр,
Шафқат қилинг, бир ожиза интизор,
Дардни берган Оллоҳ давосин берар.

МУҲАББАТ КҮНГИЛГА ҲАЛОВАТ

Дунёда ҳамманинг тутган йўли бор,
Кимлардир ёлғизу, кимнинг жўри бор,
Барча totlinинг ҳам аччиқ шўри бор,
Севгида ҳаммаси тумонат, дўстим.

Бирор ҳижронидан куяди бугун,
Кимдир разолатдан олай дейди хун,
Сен нолиб сўрама «Бу азоб нечун?!»
Муҳаббатга керак матонат, дўстим.

Кўзларни ювади ўртанган ёшлар,
Гоҳида кўнгилга отилар тошлиар,
Бўйсиниб эгилар не мағурур бошлиар,
Севгини англаш ҳам маҳорат, дўстим.

Севган муҳаббатдан олади сабоқ,
Музлаган юракни қиласи қўрқоқ,
Сен ҳам севиб қолсанг, ҳаётта тик боқ,
Билсанг муҳаббат ҳам жасорат, дўстим.

Тунлар уйқуларинг олиб кетади,
Ошиқни ё етук, ё хор этади,
Кўзга интизорлик солиб кетади,
Ишқ мақтов, гоҳида ҳақорат, дўстим.

Севгининг қўлидан тутганча маҳкам,
Дардли юрагинга сўрасанг малҳам,
Шунда қўяжаксан биринчи қадам,
Муҳаббат кўнгилга ҳаловат, дўстим.

Кимлардир севгидан ичади шароб,
Кимнингдир қалбига томчилар зардоб,
Яна ким уни деб хору зор ҳароб,
Мұхаббат гоҳида разолат, дўстим.

Ҳиссиз юракларга томчилар меҳр,
Аёвсиз етказар синаш — чун жабр,
Севги ғурурлидир, лек суймас кибр,
Уни туймоқ мушкул бағоят, дўстим.



ТҮРТЛИКЛАР

Үқидим севгимга ўлим ҳукмини,
Күзёшга чўмилиб совиди кўнглим.
Қалбим қон йирлади, ўксисб йирлади,
Юрак индамади тураверди жим...

* * *

Қисматим тилайман сенга талпиниб,
Дунёда бахтсизни ҳеч бисёр этма.
Мен ўзим бахтсизман... Аммо адашиб,
Яна бир бахтсизни менга ёр этма!

* * *

Мол-дунё, зар керакмас, фақат сиз,
Ҳижрон ўти куйдирар экан ҳиссиз.
Сизни кўрмай билмас эдим ҳижронни,
Юрак соринчларнинг мангу макони.

* * *

Ҳаётда мен сенга гўзал ёр бўлай,
Кўз тегмасин, жоним кўзтумор бўлай.
Хушомадли гўзаллар кўпдир дунёда,
Ишонма, мен ўзим шўх Дилдор бўлай.

* * *

Ҳижрон аламини сендан оларман,
Шу бевафо ёрдан қачон тонарман.
Насиб этса ёр васли мен шодман,
шеърим!

Яна сени тинч қўймай мен ёлвораман!

МУНДАРИЖА

Наврўз муборак	3
Ҳаёт	4
Туйгулар	5
Кетдим	6
Барибир мен сизни севаман.....	7
Чимилидиқнинг келинчаги	8
Аёл	9
«Жон аёллар, жонон аёллар..»	10
Отам	11
«Кўз учидা..»	12
Сизни ўтда ёндираман	13
Ёлғон дунё	14
«Хув анов тоғларнинг қояларида..»	15
Муаллим	16
«Бирга ўсган суюнч төгим..»	17
«Миллат юрагида..»	18
Тарихим	19
«Муҳаббат борида очилди бир гул..»	20
Жиззахим	21
Сени эсладим	22
Орзу	23
Жиззах келинлари	24
Тақдир	25
Тақдиргинам	26
Муҳаббатим	27
Муҳаббат кўнгилга ҳаловат	28
Тўртликлар	30

Адабий-бадиий нашр

Дилдора ФАНИЕВА

ДИЛДОР БҮЛАЙИН

**Мұхаррір
Насиба ЮСУПОВА**

**Бадиий мұхаррір
Баҳридин БОЗОРОВ**

**Техник мұхаррір
Лена ДЕМЧЕНКО**

**Мусаққих
Дилрабо МИНГБОЕВА**

**Компьютерда сәхифаловчи
Нурийдин НУРИДДИНОВ**

Босишига 11.03.08.2008 й.да рұхсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Босма тобоги 1,0.

Шартли босма тобоги 1,68. Адади 1000 нұсха.

Буюртма № 52. Бағоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланды.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар

Нашр бўлимни 278-36-89, маркетинг бўлимни 128-78-43

Факс 273-00-14, e-mail: yangiavravodi@mail.ru